



ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



НАВРЎЗИ ОЛАМ ШУКУҲИ

Ўйғониш ва нафосат фасли навбаҳор қадриятларимизни қадрлаб, анъаналаримизни улуглаб, хайру саховат, эзгулик ва орзу ниятларни жамлаб қутлук қадамларида биз интиқилиш билан кутган байрамимиз Наврўзни ҳам олиб келди. Орзиқиб қутилган янгириш ва янгилиниш байрами халқимизнинг кўнгли қувончи, дил шодиёнаси тантаналарига айланиб кетди.



Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи, Бобур, Мирзо Улугбек, Фафур Фулом, «Гулшан», Фурқат, «Боғишамол» номидаги маданият ва истироҳат боғларида, Ўзбекистон Давлат цирки, Тошкент хайвонот боғи, Марказий зобитлар уйида Наврўз байрамига бағишланган халқ сайилларида мириқиб ҳордиқ чиқаришди.

Шунингдек, туманлардаги маданият ва санъат марказларида, маҳалла гузарларида ҳам Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган кенг қамровли тадбирлар бўлиб ўтди.

Учтепа тумани аҳолиси байрам сайлини «Боғишамол» маданият ва истироҳат боғида ўтказишди. Жарчиларнинг чорлови билан бошланган байрам тадбирида туман маданият уйлари хонандалари ўзларининг миллий ва эстрада йўналишидаги куй-қўшиқлари, дилбар рақслари билан сайилнинг мазмунли ва мароқли чиқишини таъминлаб бердилар.

Туманининг кўп сонли аҳолиси санъаткорларнинг чиқишлари, сумалак, ҳалим, кўк сомса каби Наврўз таомлари, жозибали халқ ўйинлари ва томошаларида баҳраманд бўлишди.

Наврўзи олам меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан баҳраманд бўлишга, ҳаётнинг бо-қийлигига иймон келтиришга даъват этади, — дейди Маънавий тарғибот маркази Учтепа туман бўлими раҳбари Шохид Шомуталова. — Наврўз асрлар оша одамларда, она ерга, табиатга меҳр-муҳаббат билан қараш, уни ардоқлаш туйғуларини тарбиялаган, маънавий қадриятларда муҳим аҳамият касб этган. Истагимиз, илоҳим юртимиз тинчлиги абадий бўлсин, байрамларимизга байрамлар улансин...

Байрам сайлида халқимизнинг миллий хунармандчилик, кулчилик, нақшошлик, чеварлик ва асоритика буюмлари намуналаридан кўргазмалар ҳам ташкил қилинди.

Қизикчилар, гимнастикачилар, ёш қаратчилар ҳамда спортчиларнинг, корейс маданият маркази

ҳодимларининг чиқишлари барчага хуш кайфият улашди.

Чилонзор туманидаги байрам сайли Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Тадбир давомида Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг иқтидорли актёрлари томонидан уюштирилган сахна кўринишлари, «Севинч» намунали рақс дастаси, «Манзур» вокал чолғу ансамбли, «Ёшлик» халқ жамоаси ва эстрада рақс гуруҳларининг чиқишлари йиғилганлар қалбига баҳорий хуш кайфият бағишлади.

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур!» мавзусида ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, «Истиклолим — бунёдкорим» театрлаштирилган композициялари ҳам диққатга сазовор бўлди. «Карвон» гуруҳи жамоаси, Зиёдулла Абду-салимов, Одил Тўлаганов, Элмурод Мирдадаев, Нодирбек Лутфиллаев каби хушовоз хонандалар ижросидаги оҳанграбо куй-қўшиқлар халқ сайли-нинг мазмунли ва мароқли чиқишини таъминлаб берди.

Дугоналарим билан байрам томошаларида қатнашдик. Семимли санъаткорларнинг чиқишларида дилимиз яйради. Мазза қилиб дам олдик. Айниқса ёш томоша гуруҳларининг қизиқарли сахна кўри-нишлари бизга жуда манзур бўлди, — дейди ЎЗМУ талабаси Шаҳноза Сатторова.

Юнусободликлар эса Тошкент хайвонот боғида мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Сайил давомида на-мойиш этилган халқимизнинг анъанавий урф-одат-лари, қадриятлари, баҳор экинлари тасвирланган кўргазмалар туман аҳлига манзур бўлди.

Наврўз халқимизнинг азалий қадриятидир. Халқимиз турмуш тарзи, миллий қўшиқлари, ўйин-лари, томоша-ю маросимларини ўзига қамраган тўрт минг йиллик тарихга эга бўлган бу байрам қалбимизга бир олам қувонч бағишлади, — дейди 19-маданият ва аҳоли дам олиш маркази раҳбари Райхон Эшмухамедова.

(Давоми 2-бетда)

«INFRASTRUCTURE JOURNAL» ХАЛҚАРО НАШРИНИНГ ЭЪТИРОФИ

«Infrastructure Journal» халқаро наشري 2014 йил 13 мартда Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» нуфузли мукофоти билан тақдирлади.

Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан тасдиқланган мамлакатимиз саноатини кенг кўламли модернизация қилиш дастури доирасида амалга оширилмоқда. Бу нефть-кимё соҳасида нафакат Ўзбекистон, балки МДХ ҳудудда узоқ муддатли лойиҳавий молиялаштириш асосида ҳаётга татбиқ этилаётган дастлабки кенг кўламли лойиҳадир. Унинг рўёбга чиқарилиши 2016 йилдан йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газ, юқори зичликдаги 400 минг тонна полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен, 110 минг тонна пиролиз бензин ишлаб чиқариш ва бевосита мажмуанинг ўзида мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Лойиҳанинг умумий қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Мазкур лойиҳа қўшма корхона муассислари бўлган Жанубий Кореянинг «Kogaz», «Лотте», «STX Energy» компаниялари ва «Ўзбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компаниясининг 1,4 миллиард доллар ҳажмидаги тўғридан-тўғри инвестицияси, шунингдек, регресс ҳуқуқи чекланган ва кредитларни қайтариш муддати 16 йил этиб белгиланган лойиҳавий молиялаштириш принциплари асосида жалб этилган 2,5 миллиард доллардан зиёд кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштирилди.

Лойиҳани молиялаштиришда Осиё тараққиёт банки, Европа ва Осиёнинг Korea Development Bank, Korea Finance Corporation (Корея Республикаси), China Development Bank (ХХР), ING (Нидерландия), KfW, Bayern LB, Siemens Bank (Германия), Credit Suisse (Швейцария), Nordea, SEC (Швеция) каби ривожланиш банклари ҳамда етакчи тижорат банклари, шунингдек, Жанубий Корея, Германия ва Швециянинг лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган банкларга сўғурта тўловларини тақдим этган экспорт-импорт агентликлари иштирок этмоқда.

«Infrastructure Journal» нашрининг ушбу мукофоти нуфузи жиҳатидан «PFI Thomson Reuters» ва «PFM Euromoney» ахборот-таҳлил агентликлари мукофоти каторида туради. Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳаси 2013 йилда ҳам ушбу агентликлар мукофотига сазовор бўлган эди. Молиялаштиришга оид битим тузиш натижалари бўйича ўз мукофотларини тақдим этадиган ушбу агентликлардан фарқи равишда, «Infrastructure Journal» голибларни танлашда муваффақиятли амалга оширилаётган лойиҳаларини кўриб чиқади. «Infrastructure Journal» нашрининг етакчи инвестиция банклари, юридик компаниялар ва лойиҳавий молиялаштириш соҳасидаги экспертлардан иборат танлов комиссияси голибларни танлашда лойиҳа асосини ташкил қиладиган технологияларнинг ноёблиги, инновационлиги ва янгилигига эътибор қаратади.

Саудия Арабистонида умумий қиймати 20 миллиард долларга тенг, жумладан, 12,5 миллиард доллар миқдорда кредит маблағи ажратилган «Садара» нефть-кимё комплекси, АҚШда молиялаштириш ҳажми 5,9 миллиард долларлик дастлабки «Сабана Пасс» суолтирилган табиий газ терминали, суолтирилган газни ташиш учун «Бонни Газ Транспорт» танкерларини қуриш, шунингдек, Техас штатидан (АҚШ) Мексика чегарасигача қувур ўтказиш каби лойиҳалар Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳаси билан бир қаторда «Infrastructure Journal» мукофотига даъвогарлик қилди.

«Infrastructure Journal» наشري, айниқса, дунё ишбилармонлари орасида катта обрўга эга экани унинг нақадар нуфузли мукофот эканидан далолат беради. Ушбу нашр дунёдаги йирик молия институтларининг 80 фоизи, етакчи юридик фирмаларнинг 90, шунингдек, лойиҳавий молиялаштириш бозорида етакчилик қилаётган инвестиция банклари — молиявий маслаҳатчиларнинг 85 фоизи учун ишончли таҳлилий ахборот манбаидир.

Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасига «Infrastructure Journal» халқаро наشري томонидан «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» мукофотининг берилгани Ўзбекистонда амалга оширилаётган мазкур улкан лойиҳанинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир. Ушбу лойиҳа «PFI Thomson Reuters» компаниясининг «Нефть-газ соҳасидаги 2012 йилнинг энг яхши битими», «Project Finance Magazine/Euromoney» журналларининг «Нефть-газ соҳасидаги 2012 йилнинг энг яхши битими», «Trade Finance Magazine» нашрининг «2012 йилнинг энг яхши битими» ва «Global Trade Review» нашрининг «2012 йилнинг энг яхши битими» каби халқаро мукофотларга ҳам сазовор бўлган.

(ЎЗА)

XXI саҳоси ХАЛҚАРО НАШРИНИНГ ЭЪТИРОФИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

● Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасида «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Қўнғирот туманининг чекка овуллари — Жаслик ва Қорақалпоғистон посёлкаларида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари, таниқли санъаткорлар Наврўз байрамининг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни, унинг тарихи ҳақида тўхталиб ўтдилар.

● Наврўз байрами кенг нишонланаётган шу кунларда Фарғона шаҳрида 86 ёш оилага янги уйларнинг қалитлари топширилди. Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган кўпқаватли уйларда барча шароит ва қулайликлар яратилган.

● Самарқанд шаҳрида дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Integra DD» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Янги корхонанинг иш бошлаши билан олтимиш нафардан зиёд ёш мутахассис доимий иш ўрнига эга бўлди. Улар дори воситалари ишлаб чиқариш ва сифатини назорат қилиш бўйича қайта тайёргарликдан ўтган, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасида малака оширган.

● Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида Сирдарё вилоятининг турли ҳудудларида, таълим муассасалари қошида элликланган ортиқ янги боғлар барпо этилиб, 740 минг тупдан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. 1 минг 300 километрлик ариқ-зовурлар, йўл бўйлари, ўнлаб қабристонлар тозаланди.

ЖАҲОНДА

● Испания пойтахти Мадрид шаҳри марказида мамлакат ҳукуматининг иқтисодийётни ўнглаш борасидаги кескин чора-тадбирларига қарши ўтказилган норозилик намойиши давомида намойишчилар ва полиция ходимлари ўртасида рўй берган тўқнашувлар чоғида саксондан ортиқ одам жароҳатланган.

● Малайзиянинг Boeing-777-200 русумли бедарак йўқолган самолётини Австралия қирғоқлари атрофида — Ҳинд океанидаги катта ҳудудда амалга оширилган қидириш ишлари ҳам ҳеч қандай натижа бермади.

● Таиланд конституциявий суди жорий йилнинг 2 февралда ўтказилган парламент сайловлари натижаларини ноқонуний деб топди.

● АҚШнинг циркларидан бирида томоша бошланишидан олдин учта фил цирк биносининг орқадаги кириш қисмида қочиб чиқиб, автомобиллар сақланадиган жойда атрофдаги бир нечта автомашиналарга жиддий шикаст етказди.

● Мексикада гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний олди-сотдиси билан шуғулланувчи иккита жиноий гуруҳ ўртасида рўй берган тўқнашув чоғида етти киши ҳаётдан кўз юмди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Бектемир туманидаги 578-сонли «Зилола» номи мактаб-гача таълим муассасасида «Ҳар ку-

нинг бўлсин Наврўз!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Бехзод

мемоリアル боғ-музейида Наврўз байрамига бағишланган анъанавий кўргазма ташкил этилди. Унда тасвирий санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим масканларида таҳсил олаётган ёшлар

ўз асарлари билан иштирок этмоқда.

✓ **ОЛМАЗОР** тиббиёт касб-хуна коллежида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди.



ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!



НАВРЎЗИ ОЛАМ ШУКУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳамза туманидаги халқ сайли Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қошидаги Маънавий ва маърифат маркази майдонида ўтказилди. Баҳор таомлари билан безатилган дастурхонлар байрам иштирокчиларига мунтазир. Бир томонда ўсмирлар варрак учираётган бўлса, Алломиш авлоди бўлган болажонлар миллий кураш, шахмат-шашка ўйинларида иштирок этишди.

— «Соғлом бола йили» муносабати билан бу йилги сайлимиз «Соғлом бола баҳори – Наврўз» деб номланди, — дейди Ҳамза туман Маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи, туманда ташкил этилган байрам дастурининг бош режиссёри Назира Гайнулина. — Театрлаштирилган байрам томошаларида туман Маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфидаги Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қошидаги бадий-ҳаваскорлик жамоалари жумладан, «Наво», «Камалак» халқ рақс дастаси, «Само» актёрлик маҳорат студияси фаол иштирок этди. 8-13 ёшли спортчиларнинг кўргазмалари чиқишлари намойиш этилди. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими хонандалари ва фольклор-этнографик ансамблларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди.



Ўзбекистон Давлат цирки атрофидаги майдонда ташкил этилган халқ сайлида шайхонтохурликлар ва олмасорликлар, шунингдек, бошқа туманлардан ташриф буюрган ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари мароқли дам олишди. Байрам дастурида миллий ва эстрада йўналишидаги хонандалар, созандалар, кулги усталари ўз санъатлари билан йиғилганларни хушнуд этишди. Кўтаринки руҳда ўтган сайлда хунарманд усталарнинг кўргазмалари ташкил этилди. Пиру бадавлат отахон-онахонларимиз юртимиз тинчлиги, турмушимиз ободлигини сўраб қўлларини дуога очиди.

Ўзига хос тарзда ўтган байрам сайлида айрим ҳамшаҳарларимиз фикрларини қозғога туширдик. — Ўлкамизга ўз файзу таровати билан янгилашни ва яшариш байрами бўлиши Наврўзи олам ташриф буюрди, — дейди уй бекаси Мафтуна Холикова. — Наврўз аждодларимиз неча минг йиллардан буён нишонлаб келаятган гўзаллик ва нафосат айёми ҳисобланади. Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, Наврўз шуқуҳи кезиб юрганини ҳис қиласиз. Ҳар йили биз ҳам оиламиз билан Наврўз байрамини орзиқиб кутамиз. Бугунги сайлда ҳам қалбимиз гурурга тўлди. Азалий қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса ёшлар онгига сингдиришда бундай тадбирларнинг ўрнини бекиёс ҳисоблайман.

Фарзандларимга тадбир давомида спортчиларнинг кўргазмалари чиқишлари жуда манзур бўлди. Сайил ташкилотчиларига миннатдорчилик билдираман.

Сергели туманидаги «Бахт диёр» гузари майдонидаги сайил туман аҳолиси учун ҳақиқий байрам шодиёнасига айланди. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш хонандалар ўзларининг куй-қўшиқлари билан тадбирга ўзгача файз-тароват бағишладилар.

— Халқимизга хос қадимий анъаналарнинг энг улуғи Наврўз ҳисобланади, — дейди Сергели туманидаги Бобур маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шохидат Алиева. — Маҳалла – халқимиз тинчлиги ва оқилолигини таъминловчи, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва хайру саховат сингари инсоний қадриятларнинг ўзиде муҳассас этувчи файзли гўшадир. Тумандаги маҳаллаларда ҳам орзиқиб кутилган байрам арафасида ободлик, кўркамлик борасидаги ишлар кизгин олиб борилди. Барча юртдошларимизни Наврўзи олам билан кутлаб қоламиз.

Наврўз сайиллари барча туманларда ўзига хос тақдорланмас жиҳатлари билан ажралиб турди. Томошаларнинг асосий мазмуни Истиқлол туфайли қайтган азалий қадриятлар, маросим ва анъаналаримизнинг қайта тикланиши, бунёдкорлик ва ободончилик қўламлигини ранг-баранг санъат воситалари ёрдамида бадий ифода этишдан иборат бўлди.

Байрам сайиллари доирасида варрак учирш, тош кўтариш, арқон тортиш, кураш ва миллий ўйинлар, спорт мусобақалари ташкил қилинди. Муқаддас қадриятларимиз тимсоли бўлган Наврўзи олам шуқуҳи дилларга қувонч бағишлади.

Байрамнинг ўзига хос жиҳати Наврўз ва меҳр муруват туйғуларига эгизак қадриятлар эканига алоҳида урғу берилди. Худди Кўёш Ерга, чечакка, майсага меҳр улашиб, ҳарорат ва ҳаёт бағишлаганидек, Наврўз нафаси инсон қалбига илиқлик, эртанги кунга умид ва ишонч уйғотди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА,

Зиёда РАСУЛОВА

Ислом Исмоилов олган суратлар



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида янги «Lokomotiv» маданият ва истироҳат боғи фойдаланишга топширилди.

ЯНГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ

Тошкент шаҳрини сўлим хиёбонлар ва боғларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар нафақат пойтахтимиз кўркам кўрқ қўшади, балки шаҳар аҳолиси, айниқса, болажонларнинг мириқиб дам олишига хизмат қилади.

«Lokomotiv» боғида ҳам катта ёшлар бўш вақтини мароқли ўтказиши, болалар қувнаб ўйнаши учун барча замонавий шaroитлар яратилган. Мазкур боғ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан барпо этилди.

Ям-яшил майсазор, турфа гул ва манзарали дарахтлар билан бурканган боғ бу ерга ташриф буюрувчиларга манзур бўлиши, шубҳасиз. Боғ марказидан ўтган сўлим хиёбон бўйлаб савдо шохобчалари, Пизан минораси, Сомонийлар макбараси, Ғалаба аркаси, Тож Маҳал, Эйфел минораси каби дунёга машҳур меъморчилик обидаларига ўхшатиб барпо этилган иншоотлар жойлашган.

Боғ директори Роман Сайфуллиннинг айтишича, янги боғни барпо этишда мамлакатимизда технологик тузилишга кўра ўхшаши бўлмаган ва турли аттракционлар ўрнатилган маданият-кўнгилочар маскан қуриш мақсад қилинган.

Масалан, боғ ўзига хос алоҳида худудларга ажратилган бўлиб, учун муайян дам олувчилар гуруҳи учун мўлжалланган. Бу ерда жами 32 замонавий аттракцион мавжуд. Шунингдек, мамлакатимиздаги энг баланд – 42 метрлик чархпалак ўрнатилган.

Юртимиздаги илк видеомусиқали фаввора барпо этилган майдон янги боғнинг асосий кўрқидир. Фаввора дам олувчиларга ўзгача кайфият бағишлаш баробарида сув юзасида жойлашган 3D проекториде акс эттириладиган ажойиб шоудан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Шунингдек, бу ерда тошли боғ ва ҳовуз ташкил қилинган. Мамлакатимизда ягона «Профессионал қоя», «Арғамчи шаҳарча» ва «Хаво велосипеди» ҳам ўрнатилган.

— Уйимиз ёнида шундай замонавий боғ барпо этилгани ва бу ерда оила аъзоларим билан мириқиб дам олиш имконига эга бўлганимдан хурсандман, — дейди Гулмира Шорустамова. — Энди янги боғқа тез-тез чиқиб турамиз.

ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Юртимизда Наврўз шуқуҳи кезиб юрган шу кунларда пойтахтимиздаги барча таълим муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

«Ассалом, Наврўз!» деб номланган шундай байрам тадбири Мирзо Улуғбек тумани хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилди. Унда Меҳрибонлик уйлари, маҳсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли болалар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, айниқса, аҳолининг барча қатламларини аниқ ва манзилли тарзда, кучли ижтимоий ҳимоялаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларда имконияти чекланган болаларни таълим-тарбия жараёни билан тўлиқ қамраб олиш, уларнинг билим олиши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш, инклюзив таълимни ривожлантириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Меҳрибонлик уйлари, маҳсус мактаб-интернатларни жорий ва капитал таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, зарур жиҳозлар билан

таъминлашга оид амалий чора-тадбирлар болаларнинг қалб кемтиклигини сезмай камолга етиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, ўзи қизикқан соҳалар бўйича касб-хунар эгаллашига пухта замин яратмоқда.

— Наврўз азалдан меҳр-оқибат, саховат айёми саналган, — дейди Мирзо Улуғбек тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилдора Обидова. — Бу байрамда табаруқ отахон ва онахонларнинг дуосини олиш, алоҳида эҳтиёжли ҳамюртларимизга меҳр кўрсатиш халқимиз миллий қадриятларининг ажралмас қисмидир. Наврўзга бағишланган хайрия тадбирларида маҳаллалар, хотин-қизлар фаоллари билан бирга ёшларнинг ҳам иштирок этаётгани уларнинг онгу шуурда бағрикенглик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини тобора мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бундай тадбирлар туманининг «Гулистон», «Баҳор», Амир Темур, «Шўртпепа» сингари маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам бўлиб ўтди.

(Ўза)

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Божхона комплекс ва постларини катта ҳажмдаги юк автотранспорт воситалари ҳамда темирйўл вагонларини сканер қилувчи назорат-кўрик мажмуалари билан таъминлаш, уларнинг имкониятлари ва афзалликлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда иштирок этган Давлат божхона кўмитаси раиси ўринбосари Б.Раимов ва бошқалар божхона органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг аввало божхона постларини божхона чегараси орқали ўтадиган товарларни тўлиқ қамраган ва ҳисобга олишни таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Мамлакатимизда божхона постларини катта ҳажмдаги юк автотранспорт воситалари ва темирйўл вагонларини сканер қилувчи назорат-кўрик мажмуалари билан таъминлаш босқич-ма-босқич амалга оширилмоқда. Республика-мизнинг 10 та божхона поstda кейинги пайтларда тўққизта автомобиль ва иккита темирйўл, жами 11 та катта ҳажмли сканер қурилмалари фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг биринчи ярми якунига қадар автотранспорт ва темирйўл транспортларини сканер қилувчи биттадан комплект қурилмалар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Шу ўринда айтиш жоизки, биргина ўтган 2013 йилда ўрнатилган сканер қурилмалари кўмагида 105 та божхона қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган.

Хозирда барча соҳаларда бўлгани каби божхона тизимида ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда иш олиб бориш такомиллашиб бормоқда. Худди шундай Давлат божхона кўмитасида ҳам ягона автоматлаштирилган ахборот тизими мавжуд. Мазкур тизим ўз ичига 25 га яқин ахборот тизимларини қамраб олган. Ушбу тизимларнинг божхона органлари фаолиятига татбиқ этилиши божхона назоратини таъминлаш ва расмийлаштириш жараёнларини тезлаштириш билан бирга божхона органларининг ягона ахборотлар манбасини яратишга ҳам хизмат қилмоқда.

Ахборот тизимларидан ташқари ДБК веб-сайти орқали 20 та интерактив давлат хизматлари ишга туширилган.

Тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган электрон хизматлар сифатини кўтариш мақсадида 2014 йилда уларга сертификат ва рухсатномаларни электрон кўринишда олиш имконини берувчи «Ягона ойна» ахборот тизимини ишга тушириш ва қўшимча 13 та интерактив хизматларни жорий этиш каби бир қатор ишлар режалаштирилган.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофича жавоб олдилар.

Абдуалим САЛИМОВ

ШАҲАР БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТИШАДИ

Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида юртимиз худудларида кўпплаб замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, ёшларимизнинг баркамол тарзда вояга етишишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

Спортнинг шахмат тури бўйича «Камолот» шахмат тахтаси» республика турнирининг Чилонзор туман босқичи тумандаги 162-умумтаълим мактаби ҳамда Тошкент транспорт касб-хунар коллежида ўтказилди. Тумандаги барча мактаблар, академик лицей ва коллежларнинг 6-19 ёшдаги ўқувчилар ўртасида қатнашган мусобақа «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши таъминоти билан «Ёшларни спорт мусобақаларига оммавий тарзда жалб қилиш, спортнинг шахмат турини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Камолот» шахмат тахтаси» турнирини ўтказиш тўғрисида»ги қўшма қарор ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Мусобақа 3 та 6-8, 9-11, 12-14 ёш тоифаларига бўлинган ҳолда, қиз ва ўғил болалар ўртасида жами 6 та гуруҳда ўтказилди. Шу билан бирга 15-16, 17-19 ёш тоифаларидаги ўсмирлар ва қизлар 6 та гуруҳда ўзаро беллашди.

Қизгин баҳслар асосида ўтган мусобақани тумандаги маҳсус спорт мактабларининг малакали мутахассислари назорат қилиб боришди.

Мусобақа якунида 1-2-3-ўринларни эгаллаган барча ўқувчилар «Камолот» шахмат тахтаси» республика турнирининг Тошкент шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритдилар. Фаол иштирок этган 46 нафар ўқувчилар «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши томонидан эс-далик совғалари ва диплом билан тақдирландилар.

Зарина РУСТАМОВА



БАҲОРНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ АЙЁМИ БЎЛМИШ — НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН СИЗ АЗИЗЛАРНИ “ТОШРАНГМЕТЗАВОД” ОАЖ ЖАМОАСИ ҚУТЛАЙДИ.



Фасллар келинчаги бўлган баҳор хонадонингизга
файз-барака олиб келсин.

Оилангиз мустаҳкам, турмушингиз обод бўлсин.



ХАЛҚ БАНКИ

Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини **НАВРЎЗ** байрами билан
сидқидилдан муборакбод этади.

Ушбу қувончли кунларда
хонадонларингизга бахт, дастурхонингизга
тўкин-сочинлик ва оилангизга фаровонлик тилайди.

Диёримиз осмони мусаффо,
халқимиз ҳаёти обод бўлсин!

Доим Сиз билан бирга

Хизматлар лицензияланган

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Баҳор зийнати, юртимиз гўзаллигининг
тимсоли бўлмиш Наврўз умумхалқ байрами
шодиёналари барчангизга муборак бўлсин,

Сизларга бахту саодат, оилавий
фаровонлик, мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр
тилаймиз.

Азиз диёримиздан меҳру оқибат, файзу
барака ҳеч қачон аримасин.

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЖАМОАСИ



“МИКРОКРЕДИТБАНК”

очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси

2014 йил – “Соғлом бола йили” муносабати билан
юртдошларимизга юқори фоизли

“Қудратли юрт фарзанди”
номли омонат турини таклиф этади.

“Микрокредитбанк” сармоялари – тадбиркорлик,
бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Мурожаат учун тел: 273-05-70, 273-05-80

www.mikrokreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган

ҲАСТАЛИК

ЛЕПЕДАСТУРЛАР

(Давоми. Боши ўтган
сонда)

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Ҳаёт». Х/ф.
7.25 «Икким»
7.30 Миллий сериал: «Умидингизни сундириш»
8.00 «Ахборот»
8.40 «Усимликлар ҳаёти». Х/ф.
9.30 1. «Дидар». 2. «Рангикан»
10.00 «Ҳушдор». Т/с.
10.45 «Қўнғуз амакининг қиссаси». М/с.
11.00 «Ахборот»
11.10 «Бурлар замини». Т/с.
11.55 «Икким»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Қўнғузнинг биринчи»
13.15 «Биз унинг муҳри». Ток-шоу.
14.00 «Ахборот»
14.15 «Икким»
14.40 Миллий сериал: «Фидойилар»
15.10 «Ўзбекистон – умумий уйимиз»
15.55 «Икким»
16.00 «Умидбахш кун». В/ф.
16.40 «Салом мактаби»
17.00 «Ахборот»
17.10 «Тарих қўғуси»
17.30 «Шоиринг эслаб»
17.35 «Икким»
17.40 «Эркин ва обод Ватан»
2-қисм.
18.00 «Қўнғул қўшиқ истади»
18.15 «Худид сари»
18.35 «Ҳушдор». Т/с.
19.20 «Бахшиёна»
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/
20.05 «Навоий бустонидан»
20.10 «Бурлар замини». Т/с.
21.00 «Ахборот»
21.40 «Талон-тороқ»
21.55 «Қишлоқ ҳаёти»
22.15 «Қўнғул қўшиқ истади»
22.30 «Доктор Хаус». Т/с.
23.15 «23-45 «Ҳаёт». Х/ф.
23.45 Кўрсатувлар дастури.
23.50 «Салом мактаби»
24.00 «Қўнғулнинг биринчи»
00.25 «Икким»
00.30 Миллий сериал: «Фидойилар»
1.00 «Ахборот» /рус/.

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
7.00 «Табаассум»
7.20 «Қалалак». В/ф. 1-қисм.
8.00 «Ахборот»
8.40 «Қизил гул». М/ф.
9.20 «Шумтақалар». Ҳажвий тележурнал.
9.35 Ойлавий кино: «Ҳудай олдидан»
11.00 «Ўзингизни англа». Ток-шоу.
11.45 «Қўнғулнинг биринчи»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Хўш келдинг Наврўз!»
Муслиқ дастури.
14.00 «Бурлар замини». Т/с.
14.45 «Закват»
15.45 «Икким»
15.50 Миллий сериал: «Фидойилар»
16.00 «Тантанада Наврўз»
17.00 «Ахборот»
17.10 «Қўнғулнинг биринчи»
17.35 «Шумтақалар». Ҳажвий тележурнал.
18.50 «Мухаббат ила». В/ф.
19.10 «Бахшиёна»
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/
20.05 «Навоий бустонидан»
20.10 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
21.00 «Ахборот»
21.40 «Ангиланаётган юрт»
21.55 «Икким»
22.00 «Дилнаво»
22.35 «Хорчилар». В/ф.
00.00 - 00.15 «Қўнғулнинг биринчи»
00.15 Кўрсатувлар тартиби.
00.20 «Шумтақалар». Ҳажвий тележурнал.
00.30 Миллий сериал: «Фидойилар»
1.00 «Ахборот» /рус/
1.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
2.15 «Қўнғулнинг биринчи»
2.30 «Бахшиёна»
2.40 «Табаассум»
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот»
4.40 «Закват»
5.40 - 5.55 «Ангиланаётган юрт».

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Табаассум»
7.20 «Қалалак». В/ф. 2-қисм.
8.00 «Ахборот»
8.40 «Қўнға замин оҳанглири»
9.00 «Шумтақалар». Ҳажвий тележурнал.
9.15 «Икким»
9.20 «Шўрдақ»
9.50 Болалар учун фильм: «Золушка». Премьера.
11.00 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.45 «Қўнғулнинг биринчи»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Икким»
13.05 «Дилнаво»
14.45 «Қўнғулнинг биринчи»
15.00 «Ахборот»
15.35 «Икки қўшни ва қовун»
М/ф.
16.50 «Хушчақчақ»
17.10 «Икким»
17.15 «Шумтақалар». Ҳажвий тележурнал.
17.30 «Сўнгги қоралар». В/ф. Премьера.
19.15 «Бахшиёна»
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» /рус/
20.05 «Навоий бустонидан»
20.10 «Ўзингизни англа»
Ток-шоу.
21.00 «Тахлилнома»
21.40 «Билмидан». Интеллектуал танлов.
22.40 «Айик». В/ф.
00.10 - 00.25 «Қўнғулнинг биринчи»
00.25 Кўрсатувлар тартиби.
00.30 «Қўнғулнинг биринчи»
00.45 «Шумтақалар». Ҳажвий тележурнал.
1.00 «Тахлилнома»
1.30 «Ўзингизни англа». Ток-шоу.
2.15 «Қўнға замин оҳанглири»
2.35 «Табаассум»
2.55 «Икким».

1.30 ТелеТашт: «Ҳаёт шикортда»
2.45 «Ўзбекистон – умумий уйимиз»
2.55 «Икким»
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот»
4.40 Миллий сериал: «Умидингизни сундириш»
5.10 - 5.55 «Тантанада Наврўз».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри»
6.10 «Тараннум»
6.50 «Ойла – меҳр бўлоғи»
7.00 «Мультипанорама»
7.50 «Қаҳвахона». Т/с.
8.40 «Ёшлик навоилари»
9.00 «Қанизақ Изаура». Т/с.
9.50 «Наврўз шўхуи»
10.00 «Давр»
10.10 «Пётербурглик чиновник»
В/ф.
11.40 «13-студия»
12.10 «Бир қадам». Т/с.
12.50 «Наврўз олам»
13.00 «Изат». Т/с.
13.50 «Сўз ёшларга»
14.40 «Қорақалпоқ ёшлари»
14.50 «Хўш келдингиз»
15.00 «Ёшлар тарбиясида маҳалла-нинг ўрни»
15.50 «Оғоқ бўлинг!»
16.00 «Давр»
16.10 «Афсунгар». Т/с.
17.00 «Биометрик паспорт»
17.10 «Эўлифиз издошлари»
17.30 «Бахт ёр бўлсин». В/ф. 1-қисм.
18.00 «Наврўз олам»
19.00 «Давр»
20.40 «Қанизақ Изаура». Т/с.
20.50 «Ёшлик навоилари»
21.00 «Табиб». Т/с.
22.00 «Давр»
22.30 «Янги Шерлок Холмс». Т/с.
23.20 «Сўз ёшларга»
00.00 «Ватан меҳри»
00.10 «Афсунгар». Т/с.
00.10 «Динозаврлар сайёраси»
1.00 «Афсона ва ҳақиқат»
1.30 «13-студия»
3.30 «Ош бўлсин»
4.00 «Ёшлар тарбиясида маҳалла-нинг ўрни»
4.10 «Динозаврлар сайёраси»
4.40 «Қорақалпоқ ёшлари»
5.00 «Давр»
5.30 «Унутилмас оҳанглири».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри»
6.10 «Миллий мерос»
7.00 «Мультипанорама»
7.50 «Бир қадам»
8.40 «Ёшлик навоилари»
9.00 «Қанизақ Изаура». Т/с.
9.50 «Ойла – меҳр бўлоғи»
10.00 «Давр»
10.10 «Бевалар». Спектакль.
11.40 «13-студия»
12.10 «Бир қадам». Т/с.
12.50 «Наврўз шўхуи»
13.00 «Давр»
13.10 «Савдоий посбон ва кел-диллар»
13.40 «Сўз ёшларга»
15.30 «Эўлифиз издошлари»
15.50 «Наврўз олам»
16.00 «Давр»
16.10 «Афсунгар». Т/с.
17.00 «Кўзгу». Ҳажвия.
17.30 «Бахт ёр бўлсин». В/ф. 2-қисм.
18.00 «Давр»
18.10 «Давр»
19.30 «Қанизақ Изаура». Т/с.
20.00 «Ёшлик навоилари»
20.40 «Хинот ва жазо»
21.00 «Табиб». Т/с.
21.50 «Наврўз олам»
22.00 «Давр»
22.30 «Айбисиз айбдор». В/ф.
00.00 «Ватан меҳри»
00.10 «Афсунгар». Т/с.
00.10 «Динозаврлар сайёраси»
1.00 «Афсона ва ҳақиқат»
1.30 «Сўз ёшларга»
3.00 «13-студия»
00.00 - 00.15 «Қўнғулнинг биринчи»
00.15 Кўрсатувлар тартиби.
00.20 «Шумтақалар». Ҳажвий тележурнал.
00.30 Миллий сериал: «Фидойилар»
1.00 «Ахборот» /рус/
1.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
2.15 «Қўнғулнинг биринчи»
2.30 «Бахшиёна»
2.40 «Табаассум»
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот»
4.40 «Закват»
5.40 - 5.55 «Ангиланаётган юрт».

Тошкент

3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Тахлилнома»
4.40 «Билмидан». Интеллектуал танлов.
5.40 - 5.55 «Шарк тароналари»
Ёшлар
6.00 «Ватан меҳри»
6.10 «Навоийга таъзим»
6.50 «Бир қадам». Т/с.
7.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.
8.00 «Мультипанорама»
8.30 «Омад хамиша келавермайди». В/ф.
9.40 «Телетўхфа»
9.45 «Omad lotto»
10.00 «Ватанпарвар»
10.40 «Ҳаёт учун ҳаёfli». В/ф.
12.10 «Ҳаёт сўмоқлари»
12.40 «Нуктаи назар»
13.10 «Савдоий посбон ва хо-нилар». В/ф.
15.00 «Тараннум»
15.40 «Унутилмас оҳанглири»
15.50 «Динозаврлар оламига савҳат». В/ф.
16.10 «Болаларлар саҳнаси»
17.30 «Мультипанорама»
18.50 «Наврўз шўхуи»
19.00 «Давр ҳафта ичиди»
19.30 «Ош бўлсин»
20.00 «Имкон-шоу»
20.50 «Турфа тақдирлар». В/ф.
23.40 «Қўзгу». Ҳажвия.
00.00 «Ватан меҳри»
00.10 «Ҳажон мусикаси»
0.10 «Нуктаи назар»
1.40 «Илхом қантолари»
3.30 «Ўрик қўлағанда»
3.40 «Сўз ёшларга»
4.20 «Ватанпарвар»
5.00 «Давр ҳафта ичиди»
5.30-6.00 «Миллий мерос»
Тошкент
6.00 «Маҳфия»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Жадвалдан ташқари поезд». В/ф.
7.25 «Анонс»
7.30 Тошкент тароналари.

Тошкент

6.00 «Маҳфия»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Шажоданинг қўшиғи». Т/с.
38-қисм.
7.55 «Анонс»
7.00 «Пойтахт»
7.20 «Ҳазил гулшани»
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион»
7.50 «Динозавр бистотидан»
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультисериал: «Шумтақалар»
13-14 қисмлар.
9.25 «Анонс»
9.30 «Интервью»
9.40 Миллий сериал: «Антика қўёв»
10-қисм.
10.05 «Исталоҳ»
10.20 «Анонс»
10.25 «Анонс»
10.30 «Пойтахт». /Рус тилида/
10.30 «Наврўз олам»
10.40 «Профессионал»
11.00 «Эко-пойтахт». /Рус тилида/.

ЖУМА, 28

11.10 «Обод хонадон»
11.30 «Императорнинг махфий фармони». В/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастур.
14.55 «Анонс»
15.00 «Пойтахт»
15.15 «Тришентнинг илм масканлари»
15.30 «Интеллектуал аукцион»
15.40 «Химоя»
15.55 «Анонс»
16.00 «Миттвойлар оиласи»
16.20 Мультисериал: «Денгиз итлари»
9-қисм.
16.45 «Бизнес-пайтахт»
16.50 «Икки тақдир». Т/с. 167-қисм.
17.10 «Келиннинг дўстларим»
17.25 «Пойтахт»
17.25 «Интервью»
17.35 «Қараонсарой»
17.45 «Хамса». Интеллектуал уйин.
18.30 «Пойтахт»
18.55 Миллий сериал: «Антика қўёв»
11-қисм.

7.45 «Интеллектуал аукцион»
7.55 «Динозавр бистотидан»
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультисериал: «Шумтақалар»
15-16 қисмлар.
9.25 «Маҳфия»
9.30 «Интервью»
9.40 Миллий сериал: «Антика қўёв»
11-қисм.
10.05 «Камер оркестрининг қончилиги»
10.15 «Салом бўла йилга: «Бир-га соғлом бўламиз»
10.30 «Пойтахт». /Рус тилида/
10.40 «Анонс»
10.45 «Ош бўлсин»
11.00 «Орзулар изтироби». В/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастур.
14.55 «Уйларим»
15.00 «Пойтахт»
15.15 «Анонс»
15.20 «Саломат бўлинг!» тележурнали.

ШАНБА, 29

15.50 «Қонун доирасида»
16.05 «Спортичнинг бир кун»
16.20 Мультисериал: «Денгиз итлари»
10-қисм.
16.45 «Қувноқ қонинот». /Инглиз тилида/
17.05 «Мақтабда бир кун»
17.25 «Интервью»
17.35 «Ширинтой»
17.40 «Қараонсарой»
17.55 «Ойла шифокори»
18.00 «Ўзбек йигитлиги»
18.30 «Ройатқалп»
18.50 «Уйларим»
19.00 Миллий сериал: «Антика қўёв»
12-қисм.
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 «Теле-маркет»
19.55 «Анонс»
20.00 «Пойтахт»
20.25 «Анонс»
20.30 «Акс-сад»
20.40 «Репортаж»
21.30 «Теле-маркет»
21.45 «Ибрат».

7.40 «Этикод»
7.55 «Анонс»
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 «Дилбанди» тележурнали.
9.30 «Ройатқалп»
9.50 Хинд киноси: «Нафратми ё муҳаббат». В/ф.
11.25 «Менинг маҳаллам»
11.45 «Спирит-симмонот оти». М/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Тошкент оқшони»
14.40 Болалар учун фильм: «Бой-ўғли қичқирғи»
16.10 «Миттвойлар оиласи»
16.30 «Булутдаги саргузаштлар»
В/ф.
18.05 «Антика манити»
18.45 «Умр сўмоқлари»
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 «Теле-маркет»
19.55 «Қадр ортида».

ЯКШАНБА, 30

20.10 «Тошкент кўчалари»
20.15 «Бугун ва эрта». Ток-шоу.
20.55 «Ўзбегим рақслари»
21.10 «Менинг шахрим»
21.30 «Теле-маркет»
21.45 «Кинотақдим»
22.15 «Бс о туризм»
22.45 «Экзамеен для двоих»
Х/ф. Премьера.
00.20 «Маҳфия»
00.25 Кўрсатувлар тартиби.
00.30 «Қасатка». Д/ф.
1.15 «Поезд на Юму». Х/ф.
3.05 «Уйларим»
3.10 «Анонс»
3.15 «Орзулар изтироби». В/ф.
5.00-6.00 «Салом, Тошкент!»
Спорт
6.00 «Хайри тоғи»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.

19.20 «Анонс»
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 «Теле-маркет»
19.55 «Уйларим»
20.00 «Пойтахт»
20.25 «Мулоҳаза учун мавзу»
Ток-шоу.
20.55 «Пойтахт йўлларида»
21.10 «Обод шахрим»
21.30 «Теле-маркет»
21.45 «Шажоданинг қўшиғи». Т/с.
38-қисм.
22.30 «Пойтахт»
22.50 «На связи». Х/ф.
00.15 «Маҳфия»
00.25 «Кўнғулнинг биринчи»
00.25 «Жизнь холодной кровью»
Д/ф. 5-қисм. /Заключительная/
1.15 «Профессионал». Х/ф.
3.00 «Уйларим»
3.10 «Анонс»
3.15 «Бизнес-пайтахт»
3.20 «Хосиятсиз оғзу». В/ф.
5.00-6.00 «Салом, Тошкент!»
Спорт

Спорт

1.25 «Sport ensiklopediya»
1.30 «ХАБАРЛАР»
1.50 АНОНС
1.55 Баскетбол.
3.20 АНОНС
3.25 «Вечерний Спорт. Католония тури»
4.25-5.50 Теннис. АТР/ВТА турнири.

Первый канал
04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00, 08.00, 11.00, 14.00 Новости
07.05, 08.05 «Сериал «Гетеры майора Соколова»
08.50 «Жить здорово!»
09.50 Мотивный приговор
11.15 Контрольная закупка
11.45 «Время обеда»
12.20 «Доброе здоровьица!»
13.00 Другие новости
13.30 Понять. Простить
13.55 «Вечерний Ургант»
14.30 «Очи и мы»
15.20 «04 и 0»
16.10 «Жди меня»
16.15 «Вечерний Ургант»
18.00 «Новости и законы»
19.00 «Полное чудес»
20.00 «Время»
20.30 «Достоинство Республики»
22.20 «Вечерний Ургант»
23.05 Худ. фильм «После заката»
01.05 Комедия «Берега»

19.55 Еврофутбол.
21.55 «Sport ensiklopediya»
22.00 «ХАБАРЛАР»
22.20 АНОНС
22.25 Еврофутбол.
23.00 АНОНС
00.30 Кўрсатувлар тартиби.
00.35 «Руби». Д/ф.
1.35 «Престав себе». Х/ф.
3.20 «Уйларим»
3.55 «Евротайм»
3.30 «Императорнинг махфий фармони». В/ф.
5.00-6.00 «Салом, Тошкент!»
Спорт

6.00 «Хайри тоғи»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Шихоат»
6.30 Болалар майдончаси: Тонги гимнастика. «Спортландия»
7.00 «SPORT-EXPRESS»
7.05 «Табиб»
8.10 «Sport Test»
8.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бунёдкор» – «Олмалик»
9.55 АНОНС
10.00 «Спортизм маликалари»
10.50 «Sport rekordlar»
10.55 Велоспорт. Католония тури.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS»
13.00 «Евротайм»
13.45 «Стивен Жеррард». Ҳужжатли фильм.
14.00 «ХАБАРЛАР»
14.15 «Sport ensiklopediya»
14.20 Профессионал бокс.

22.10 «Мой город». /Рус тилида/
22.30 «Пойтахт». /Рус тилида/
22.50 «Невероятные приключения итальянцев в России». Х/ф.
23.00 «Маҳфия»
00.30 Кўрсатувлар тартиби.
00.35 «Руби». Д/ф.
1.35 «Престав себе». Х/ф.
3.20 «Уйларим»
3.55 «Евротайм»
3.30 «Императорнинг махфий фармони». В/ф.
5.00-6.00 «Салом, Тошкент!»
Спорт

6.00 «Хайри тоғи»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Шихоат»
6.30 Болалар майдончаси: Тонги гимнастика. «Спортландия»
7.00 «SPORT-EXPRESS»
7.05 «Табиб»
8.10 «Sport Test»
8.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» – «Қизилқум»
9.55 «Айбрат»
10.20 Велоспорт. Католония тури.
11.15 Теннис. АТР/ВТА турнири.
12.15 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.20 Интерфутбол.
14.00 «ХАБАРЛАР»
14.05 Худ. фильм «Странная история доктора Джекилла и мистера Хайда»
14.15 «Ешлар футбол»
14.40 АНОНС
14.45 Фигуралы уйиш. Жаҳон чемпионати.
16.25 Кўрсатувлар тартиби.
16.30 «Полночь»
16.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» – «Қизилқум»
9.55 «Айбрат»
10.20 Велоспорт. Католония тури.
11.15 Теннис. АТР/ВТА турнири.
12.15 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.20 Интерфутбол.
12.55 Еврофутбол.
13.40 «Куч бирлигида»
15.00 «Эстафета»
15.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Металлург» – «Локомотив».

6.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» – «Қизилқум»
7.45 «Ифтихоримсан, спорт!»
8.00 «ХАБАРЛАР»
8.10 «Sport Test»
8.15 Еврофутбол.
8.55 «Махорат мактаби»
10.15 Велоспорт. Католония тури.
11.05 Теннис. АТР/ВТА турнири.
12.05 «Кувноқ стартлар»
12.35 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.40 «Қорақалпоқ спорти»
12.55 Еврофутбол.
13.40 «Куч бирлигида»
15.00 «Эстафета»
15.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Металлург» – «Локомотив».

1.00 Еврофутбол.
2.40 АНОНС
2.45 Баскетбол.
4.05 АНОНС
4.10-5.50 Еврофутбол.
Первый канал
04.45 Комедия «Один дома-4»
05.00, 09.00, 11.00 Новости
05.10 Комедия «Один дома-4». Продолжение
07.15 Худ. фильм «12 стульев»
07.35 «Служу Отчизне!»
08.05 «Здоровье»
09.15 «Нелюбовь»
09.30 «Пока все дома»
10.15 Фазенда
10.45 «Смешички. ПИН-код»
11.15 «Смешички. Переполюк»
12.15 «Кто-то из кулисы иллюзий»
13.10 Худ. фильм «Курьер»
14.40 «Александр Михайлов. Надо оставаться мужиком»
15.40 Худ. фильм «Мужики!»
17.15 Сезона. «Точка в точку»
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
21.00 «Клуб Веселых и Находчивых». Высшая лига
22.55 Худ. фильм «8 первых свиданий»
00.25 Худ. фильм «Китайский сервис»
02.10 «Александр Збруев. Жизнь по правилам и без»
03.00 «В наше время»
Россия
4.20 Х/ф «Тайна «Черных дроздов»
6.20 «Вас Россия»
6.30 «Сам себе режиссер»
7.20 «Смехопанорама»
7.50 «Утренняя почта»
8.30 «Сто к одному»
9.20 Местное время. Вести-Москва. Неделя в городе
10.00 Вести
10.10 «Смеяться разрешается»

15.10 АНОНС
15.15 Теннис. АТР/ВТА турнири.
16.40 АНОНС
16.45 «Соғлом бўлай десангиз»
17.25 АНОНС
17.30 «Футбол. УЗ»
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар майдончаси: «Спортландия»
Мультифильм.
18.25 «Спорт – провью»
18.30 «ХАБАРЛАР»
18.50 «Sport Test»
18.55 «Ифтихоримсан, спорт!»
19.10 АНОНС
19.15 «Ешлар футбол»
19.40 АНОНС
19.45 «Евротайм»
20.30 «Спорт – маркет»
20.35 «Антета слушает»
21.25 АНОНС
21.30 «ХАБАРЛАР»
21.50 «Sport rekordlar»
21.55 Интерфутбол.
23.35 «Наврўз томошалари»
00.00 АНОНС
00.05 Фигуралы уйиш. Жаҳон чемпионати.
1.25 «Sport ensiklopediya»
1.30 «ХАБАРЛАР»
1.50 АНОНС
1.55 Баскетбол.
3.20 АНОНС
3.25 «Вечерний Спорт. Католония тури»
4.25-5.50 Теннис. АТР/ВТА турнири.

Спорт

1.25 «Sport ensiklopediya»
1.30 «ХАБАРЛАР»
1.50 АНОНС
1.55 Баскетбол.
3.20 АНОНС
3.25 «Вечерний Спорт. Католония тури»
4.25-5.50 Теннис. АТР/ВТА турнири.

Первый канал

04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00, 08.00, 11.00, 14.00 Новости
07.05, 08.05 «Сериал «Гетеры майора Соколова»
08.50 «Жить здорово!»
09.50 Мотивный приговор
11.15 Контрольная закупка
11.45 «Время обеда»
12.20 «Доброе здоровьица!»
13.00 Другие новости
13.30 Понять. Простить
13.55 «Вечерний Ургант»
14.30 «Очи и мы»
15.20 «04 и 0»
16.10 «Жди меня»
16.15 «Вечерний Ургант»
18.00 «Новости и законы»
19.00 «Полное чудес»
20.00 «Время»
20.30 «Достоинство Республики»
22.20 «В